



Семинарнинг қисқача мазмуни

ЎЗБЕКИСТОНДА КЎП ТАРМОҚЛИ ИШТИРОК АСОСИДА ЯГОНА САЛОМАТЛИК ДАСТУРИ ОРҚАЛИ ДОЛЗАРБ ЗООНОЗ КАСАЛЛИКЛАРНИ АНИҚЛАШ



ТОШКЕНТ, ЎЗБЕКИСТОН





Фото 1. Анъанавий ранг-баранг пештахтадаги бақтрия (*Camelus bactrianus*), Марказий Осиёдаги кўчманчи турмуш тарзи, Ўзбекистон.

МАСЪУЛИЯТДАН ВОЗ КЕЧИШ

Ушбу ҳисоботдаги хулосалар муаллифларга тегишли бўлиб, Касалликларни назорат қилиш ва олдини олиш марказларининг расмий позициясини ифодаламайди.

МУНДАРИЖА

Иштирок этувчи ташкилотлар	1
Қисқача мазмуни	2
1-жадвал. 2018 йил ноябр ойида бўлиб ўтган “Ягона саломатлик дастури доирасида зооноз касалликларни долзарблигини белгилаш бўйича семинар”да кўп тармоқли жараёндан фойдаланган ҳолда овоз бериш орқали Ўзбекистонда танлаб олинган долзарб зооноз касалликлар тавсифи.	3
Маълумот	7
Семинар усуллари.....	8
Зооноз касалликларни рейтинг асосида тартиблаш учун танланган мезонлар	9
Режалар Ва Тавсиялар	10
Умумий тавсиялар.....	10
Кейинги махсус қадамлар	13
“А” Иловаси: Ягона саломатлик дастури доирасида зооноз касалликларнинг долзарблигини аниқлаш жараёнининг умумий кўриниши	15
“В” Иловаси: Ўзбекистон учун Ягона саломатлик дастури доирасида зооноз касалликларнинг долзарблигини белгилаш бўйича семинар иштирокчилари	16
“С” Иловаси: Ўзбекистонда Зооноз касалликларни рейтинг асосида тартиблаш учун танланган мезонлар бўйича мезонлар, саволлар ва рақамли ўлчамлар	21
“Д” Иловаси: Ўзбекистонда Ягона саломатлик дастури доирасида зооноз касалликларнинг долзарблигини аниқлаш воситаси доирасида зооноз касалликларнинг якуний даражаланган рўйхати	23
Ҳаволалар.....	25



Фото 2. Ўзбекистон тоғларидаги кўк кўл одамлар билан сол устида.

ИШТИРОК ЭТУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР

- Соғлиқни сақлаш вазирлиги
 - Республика ўлат, карантин ва ўта хавфли юқумли касалликлар муҳофазаси маркази
 - Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази
 - Тошкент тиббиёт академияси
 - Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-тадқиқот институти
 - Вирусология илмий-текшириш институти
 - Республика Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази
- Давлат ветеринария қўмитаси
 - Ҳайвонлар соғлиғини ҳимоя қилиш бошқармаси
 - Ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат маркази
 - Ветеринария илмий тадқиқот институти (ВИТИ) лабораторияси
 - Республика ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат маркази
- Фавқулодда вазиятлар вазирлиги
 - Тиббиёт ва биология бошқармаси
 - Фуқаролик муҳофаази институти
- Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси
 - Тошкент шаҳри бўйича тезкор гуруҳнинг 2-тоифаси
 - Минтақавий биоинспекция
- Халқаро фан ва технология маркази
- АҚШ Мудофаа таҳдидларини камайитириш агентлиги (DTRA)
- АҚШ Касалликларни назорат қилиш ва уларнинг олдини олиш марказлари (CDC)
- АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги
- Жаҳон банки



ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ



3-расм. Ўзбекистонда Ягона саломатлик дастури доирасида долзарб зооноз касалликларни аниқлаш бўйича семинар иштирокчилари

Мазкур икки кунлик “Ягона саломатлик дастури доирасида зооноз касалликларни долзарблигини белгилаш” (OHZDP) бўйича семинарнинг мақсади инсон, ҳайвонлар ва атроф-муҳит саломатлиги соҳалари вакилларининг тенг ҳиссасидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон учун миллий миқёсда энг долзарб бўлган зооноз касалликларни аниқлашдан иборат бўлди. Семинар мобайнида иштирокчилар Ўзбекистон учун долзарб бўлган зооноз касалликлар рўйхатини, устуворликни белгилаш мезонларини, ҳар бир мезонга тегишли саволлар ва муҳимлик даражасини аниқлаб олишди. АҚШ Касалликларни назорат қилиш ва уларнинг олдини олиш марказлари (CDC) томонидан ишлаб чиқилган ва мувофиқлаштирилган ярим миқдорий танлаш воситаси бўлган зооноз касалликларнинг долзарблигини аниқлаш воситасидан фойдаланган ҳолда саккизта зооноз касаллик иштирокчилар томонидан долзарб деб белгиланди (“А” Иловаси) ^{1,2}

Ўзбекистон учун долзарб деб белгиланадиган зооноз касалликлар қаторига Қрим-Конго геморрагик иситмаси, куйдирги, қутуриш, бруцеллез, зооноз сил касаллиги, ўлат, зооноз грипп ва эхинококкоз кирди (1-жадвал). Ўзбекистонда Ягона саломатлик дастури доирасида долзарб зооноз касалликларни аниқлаш бўйича семинарда Ягона саломатлик дастури доирасида долзарб зооноз касалликларни аниқлаш жараёнининг якуний натижалари ва барча зооноз касалликлар учун меъёрланган вазнлар “В” иловасида келтирилган. Мазкур ҳисоботда асосий долзарб зооноз касалликларни аниқлашда фойдаланилган Ягона саломатлик дастури жараёнини соғлиқни сақлаш, ҳайвонлар соғлиғи ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазирликлари ва бошқа ҳамкорларни ўз ичига олган кўп тармоқли, Ягона саломатлик дастури ёндашувидан фойдаланган ҳолда умумлаштирилган.

1-жадвал. 2018 йил ноябр ойида бўлиб ўтган “Ягона саломатлик дастури доирасида зооноз касалликларни долзарблигини белгилаш бўйича семинар”да кўп тармоқли жараёндан фойдаланган ҳолда овоз бериш орқали Ўзбекистонда танлаб олинган долзарб зооноз касалликлар тавсифи.

Зооноз (ҳайвонлардан юқадиган) касаллик	Кўзгатувчи агент	Инсон касалликлари юки	Ҳайвон касалликлари юки	Диагностика, даволаш ва профилактика
Крим-Конго геморрагик иситмаси	Вирус	Бу касаллик минтақага ҳос (эндемик) эканлиги ҳам маълум. ³ ҚКГИ эпидемияси жамоатчилик саломатлиги учун хавф туғдиради, чунки бу касаллик туфайли ўлим ҳолатлари инсонларда 10-40% ни ташкил қилади. ⁴	Минтақада ўтказилган сероэпидемиологик тадқиқотлар сут эмизувчиларда, айниқса кавш қайтарувчи ҳайвонларда кўпроқ кенг тарқалганлигини кўрсатади. ⁵ Ҳайвонларда вирус аломатсиз (асимптоматик) кечади. ⁶	Ҳозирги вақтда одамлар учун хавфсиз ёки самарали вакцина мавжуд эмас. ⁷ ҚКГИ билан касалланган беморларни даволашда рибавириннинг маълум фойдалари борлиги аниқланди, бироқ бундай даволаш асосан қўллаб-қувватловчи терапиялигича қолмоқда. ⁸
Куйдирги (<i>Bacillus anthracis</i>)	Бактериялар	Ўзбекистонда ва унга қўшни мамлакатларда куйдирги инфекцияси тарқалиши давом этаётган кўринади. ⁹	Минтақада чорва молларида эпидемиялар тез-тез рўй беради. ⁹	Ҳайвонларни эмлаш ва одамларни даволашда (антибиотиклар) самара берувчи амалиёт мавжуд. ⁷
Кутуриш	Вирус	Ўзбекистонда ҳар йили кутуришдан тахминан 12 киши вафот қилади. Лекин, бирор расмий маълумотлар мавжуд эмас, чунки кутуриш ҳозирда мажбурий ҳабардор қилинадиган касаллик эмасдир. ¹⁰	Ўзбекистонда кутуриш энзоотик касаллик ҳисобланади. Асосий манба уй ити бўлиб, ёввойи табиат ёки бошқа уй ҳайвонлари тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлмаса-да, у ҳайвонларнинг бундай турларида ҳам учраши эҳтимолдан ҳоли эмас. ¹⁰	Ҳайвонларни ва одамларни эмлаш учун самарали вакциналар қиммат бўлсада, улар мавжуд. Бунга чалингандан кейинги босқич профилактикаси мавжуд бўлсада, бироқ касалликнинг давоси мавжуд эмас. ¹¹

ЎЗБЕКИСТОНДА КЎП ТАРМОҚЛИ ИШТИРОК АСОСИДА ЯГОНА САЛОМАТЛИК
ДАСТУРИ ОРҚАЛИ ДОЛЗАРБ ЗООНОЗ КАСАЛЛИКЛАРНИ АНИҚЛАШ

Зооноз (хайвонлардан юқадиган) касаллик	Кўзгатувчи агент	Инсон касалликлари юки	Ҳайвон касалликлари юки	Диагностика, даволаш ва профилактика
Бруцеллэз (<i>Brucella spp.</i>)	Бактериялар	Ўзбекистонда ҳар миллион кишидан 18 киши бруцеллэз билан касалланади. ¹²	Текширилган чорва молларининг 0,002 фоизда бруцелла бактерияси аниқланган. Шунга қарамай, Ўзбекистоннинг бруцеллэздан холи деб ҳисобланган ҳудудларида бруцеллэз тарқалган фермер хўжаликлари аниқланиши давом этиб келмоқда. ¹³	Ўзбекистонда ҳайвонларни бруцеллэзга қарши эмлаш йўлга қўйилган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳозирда бруцеллэзга қарши янги вакцинация устида ишламоқда. ¹⁴ Мамлакатда ҳам одамлар, ҳам ҳайвонлар учун бруцеллэзни даволаш йўлга қўйилган. ¹⁴
Зооноз сил касаллиги (<i>Mycobacterium bovis</i>)	Бактериялар	1980 йилларнинг охирида сил билан касалланган беморлардан олинган штаммлар шуни кўрсатдики, сил билан касалланганларнинг 10,6% дан 18,3% гача бўлган қисмига <i>Mycobacterium bovis</i> сабаб бўлган бўлиб, бу кўрсаткичлар қорамол кўпроқ етиштириладиган ҳудудларда юқорироқ бўлган. ¹⁵	Қорамолларда зооноз сил касаллиги тарқалиши ҳақида чегараланган маълумотлар мавжуд бўлсада, бироқ касалликнинг сўнгги маълум бўлган минтақавий эпидемия ўчоғи 1992 йилда Туркменистонга туғри келган. ¹⁵	Одамлар учун вакцина ва даволаш мавжуд бўлиб, улар ҳайвонлар учун мавжуд эмас. ^{16,17}
Ўлат (<i>Yersinia pestis</i>)	Бактериялар	Ўлатнинг тизимсиз нодир ҳолатлари деярли ҳар йили Марказий Осиё минтақасида рўй беради. ¹⁸ ЖССТ 2010-2015 йиллар оралиғида дунё бўйлаб одамлар орасида қайд этилган ўлим даражаси 18% ни ташкил этганини хабар қилади. ¹⁹	Энзоотик кемирувчилар ўлати (вабоси) мамлакатнинг шимоли-ғарбий қисмидаги минтақага ҳосдир. ²⁰	Назорат чоралари бурга чақишининг олдини олишга ва кемирувчиларга қарши курашга қаратилган. ²⁰

ЎЗБЕКИСТОНДА КЎП ТАРМОҚЛИ ИШТИРОК АСОСИДА ЯГОНА САЛОМАТЛИК
ДАСТУРИ ОРҚАЛИ ДОЛЗАРБ ЗООНОЗ КАСАЛЛИКЛАРНИ АНИҚЛАШ

Зооноз (ҳайвонлардан юқадиган) касаллик	Кўзгатувчи агент	Инсон касалликлари юки	Ҳайвон касалликлари юки	Диагностика, даволаш ва профилактика
Зооноз грипп турлари (парранда ва чўчқа гриппи)	Вирус	2003 йилдан буён Ўзбекистондан ЖССТга H5N1 парранда гриппи билан касалланиш ҳолатлари қайд этилмаган. ²¹	Жаҳон банки 2007 йилда Ўзбекистонда ҳалигача юқори патогенли парранда гриппи эпидемияси кузатилмагани ҳақида хабар берган, бироқ қўшни мамлакатларда ушбу касаллик қайд этилган. ²²	Парранда гриппи вирусига қарши вакциналар ҳам ҳайвонлар, ҳам одамлар учун мавжуд. ²³ Одамлар учун даволаш қўллаб-қувватловчи терапия ва вирусга қарши воситаларни ўз ичига олади. ²⁴
Эхинококкоз	Паразитлар	Ўзбекистон бўйича ўтказилган серопозитивлик тадқиқотлари аҳолининг 0,7 фоизда тарқалганлигини тахмин қилиб, бунда тахминан 167 300 кишида серопозитивлик қайд этилган. ²⁵	Бир тадқиқотда қишлоқ итларининг қарийб 8 фоизи ва фермер хўжаликлари итларининг 20 фоизи касалланганлиги аниқланган. ²⁵	Профилактика чоралари одамлар ва ҳайвонлар учун гижжа (гельминт)ларга қарши профилактикани ва озиқ-овқат маҳсулотларини текшириш ва сўйиш жойларининг гигиенасини яхшилашни ўз ичига олади. Яқин келажакда қўйлар учун вакцина пайдо бўлиши мумкин. ²⁶



Фото 4. Самарқанд шаҳридаги Афрасияб тарихий қазилма майдонидаги қўйлар, Ўзбекистон.



Фото 5. Чимён тоғлари, Ўзбекистон..

МАЪЛУМОТ

Зооноз касалликлар ҳайвонлар ва одамлар ўртасида тарқаладиган касалликлардир. Энг кўп маълум бўлган одамларга хос юқумли касалликлар ва янги пайдо бўлган инфекцияларнинг тўртдан уч қисми ҳайвонлардан келиб чиқади. Ўзбекистон денгизга тўғридан-тўғри чиқиши бўлмаган давлат бўлиб, Марказий Осиёда, Туркменистоннинг шимолида ва Қозоғистон жануби (41 00 N 64 00 E) да жойлашган бўлиб, 2017 йил июл ҳолатига кўра жами аҳолиси 29 748 859 кишини ташкил этади.²⁷ Мамлакатнинг умумий майдони тахминан 447,4 минг квадрат километрни ташкил этиб, 425,4 минг квадрат километри қуруқлик ва 22 минг квадрат километри сувдан иборат.²⁸ Ўзбекистон аҳолисининг қарийб 64 фоизи қишлоқ жойларда, 36 фоизи эса шаҳар ҳудудларда истиқомат қилади.²⁸ Иқлими асосан чўл ва ярим қуруқочил ўтлоқлардан иборат, аммо мамлакатнинг катта майдонида табиий қўриқхоналарнинг қўриқланадиган ҳудудлари жойлашган бўлиб, у ерда турфа ўсимлик ва фаунага эга бўлган турли ҳил экотизимлар сақланиб қолган.²⁹ Бу муҳофаза қилинадиган ҳудудлар мамлакат биохилма-хиллигини сақлашда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда умуртқасизларнинг 14900 га яқин тури ва умуртқали ҳайвонларнинг 714 га яқин тури яшайди. Бу ҳудуддаги ўсимлик дунёсининг хилма-хиллиги физиографик шароитларнинг хилма-хиллиги ва турли биогеографик зоналар туфайли мураккабдир. Фақатгина эмбриофит ўсимликларининг 4300 га яқин тури мамлакатда мавжудлиги айтилади.³⁰ Чўл ва текисликларда кенг тарқалган ҳайвонларга кемирувчилар, тулқилар, бўрилар, жайронлар, антилопалар киради. Тоғларда тўнғиз, элик, айиқ, бўри, Сибир эчкиси, силовсин учрайди.²⁸ Ўзбекистонда боқиш учун умумий чорва моллари қорамол ва қўйдир.²⁸

Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг 18,5 фоизини ва меҳнат ресурсларининг 26 фоизини ташкил қилади. Ўзбекистон ерларининг қарийб 63 фоизи қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бўлиб, қарийб 52 фоизи доимий яйловлар сифатида фойдаланилади.²⁷ Чорвачилик Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг асосий қисмини ташкил қилса-да, иқтисодийнинг катта қисми пахта етиштиришга боғлиқ, чунки Ўзбекистон пахта экспорти бўйича дунёда бешинчи ўринда туради.²⁷ Экспорт маҳсулотларига қоракўл қўйларининг пўсти²⁸ ҳамда табиий газ ва нефт каби энергия маҳсулотлари киради.

Кўп миқдорда учрайдиган зооноз касалликлар Ўзбекистон аҳолисига қуйидагича таъсир кўрсатиши мумкин:

- Ҳайвонларнинг соғлиғига касаллик, маҳсулдорликни йўқотиш ва ўлимга олиб келиш каби таҳдид солади ва шу билан асосий даромад манбаи сифатида чорвачиликка қарам бўлган аҳолининг катта қисмининг турмуш тарзига таъсир қилади.
- Туризм оқимини йўқотиш, савдо чекловлари ва карантин орқали миллий иқтисодий барқарорликка таҳдид солади.
- Одамларнинг соғлиғига катта ижтимоий беқарорлик ва иқтисодий йўқотишлар билан боғлиқ бўлган кўплаб касалликлар ва ўлимларни келтириб чиқариш хавфини туғдирувчи таҳдидларни келтириб чиқаради.



2001 йилда Ўзбекистон Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотига (ФАО) аъзо бўлди ва 2014 йилда қабул қилувчи давлат тўғрисидаги битимни имзолади. ФАО билан бу ҳамкорлик бошқа соҳалар қаторида чорвачилик ҳамда касалликларга қарши кураш каби кенг кўламли соҳаларни қамраб олади.³¹

Ўзбекистон Ҳукумати 5 йиллик ягона миллий соғлиқни сақлашнинг механизми ва стратегик режасини ишлаб чиқмоқда. Режанинг асосий мақсадлари мутасадди вазирликлар, шунингдек, миллий ва халқаро ҳамкорлар ўртасида кўп тармоқли, ягона саломатлик ёндашуви асосидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш; зооноз касалликларнинг олдини олиш, уларни назорат қилиш ва ўз вақтида аниқлашни такомиллаштириш; аҳоли ўртасида зооноз касалликлар хавфи, шунингдек, ягона саломатлик ёндашувидан фойдаланган ҳолда касалликнинг олдини олиш имкониятлари ҳақида таълим ва хабардорликни ошириш кабилардан иборат.

СЕМИНАР УСУЛЛАРИ

Ягона даволаш ёндашуви орқали долзарб зооноз касалликларни аниқлаш жараёни CDC томонидан ишлаб чиқилган ва мувофиқлаштирилган ярим миқдорий воситани ўз ичига олди. Бу усуллар батафсил (“А” илова)да тавсифланган.^{1,2} Семинар ташкилотчилари бу семинарга бир неча ой олдин тайёргарлик кўришни ва режалаштиришни бошладилар. Семинар давомида иштирокчилар биринчи навбатда зооноз касалликларнинг дастлабки рўйхатини долзарблик белгилаш мақсадида кўриб чиқдилар. Зооноз касаллик, агар у одамлар ва ҳайвонлар орасида тарқалганлиги маълум бўлса ва Ўзбекистон учун ташвиш туғдирса, танлаб олинди. Одамлар ёки ҳайвонларда учраши мумкин деб ҳисобот қилинган зооноз касалликлар рўйхатлари дастлабки рўйхатга киритилди. Овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган аъзолар 2-жадвалда кўрсатилган ОНЗДР жараёни орқали долзарбликни белгилаш мақсадида 43 зооноз касалликлар рўйхатини келишиб олдилар.

Семинар давомида иштирокчилар 43 та зооноз касалликларни даражалаш учун бешта мезон ишлаб чиқишди. Бешта мезон ишлаб чиқилгач, гуруҳ муҳокамаси орқали ҳар бир мезон учун биттадан тоифаловчи савол ишлаб чиқилди (“С” Иловаси). Саволлар ҳар бир мезонни энг аниқ тарзда ўлчаш учун ишлаб чиқилди. Барча саволлар тартибли, икки ҳарфли ёки кўп ҳарфли жавобларга эга эди. Ординал тус балл олиш жараёнида муҳим аҳамиятга эга.

Муайян зооноз касаллиги бўйича Ўзбекистон учун маълумотлар мавжуд бўлмаган ҳолларда, жаҳон миқёсидаги маълумотлар ёки минтақа бўйича маълумотлардан фойдаланилган. Зооноз касалликларига таълуқли бўлган тарқалиши, оғирлиги, пандемик ва эпидемик салоҳияти, иқтисодий таъсири, профилактикаси ва назорати, шунингдек мамлакат, минтақа ва дунё миқёсида атроф-муҳитига таъсири тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган мақолалар йиғилди. Мазкур ҳавола материаллари йиғилиб, семинарнинг барча иштирокчиларига тақдим этилди.

Барча зооноз касалликларни баҳолагандан сўнг, қарор дарахти таҳлили ёрдамида зооноз касалликларнинг тартибланган рўйхати белгиланди. Ҳар бир зооноз касаллик бўйича ҳар бир саволга берилган жавобларга ҳар бир вазнли мезон қўлланилди. Ҳар бир зооноз касаллик учун барча бешта савол бўйича баллар йиғилди. Кейин, энг йирик дастлабки балл меъёрлаштирилди ва зооноз касаллигига ушбу меъёрлаштирилган 1 балл белгиланди. Долзарбликни белгилаш учун кўриб чиқилган барча зооноз касалликлари учун дастлабки ва меъёрлаштирилган балларнинг тўлиқ рўйхати D иловасида келтирилган.

Ўзларининг дастлабки ва меъёрлаштирилган баллари билан биргаликда зооноз касалликлари иштирокчиларга муҳокама учун тақдим этилди. Шундан сўнг семинар иштирокчилари саккиз зооноз касалликларидан иборат якуний долзарб рўйхатни муҳокама қилиш ва қабул қилиш учун даражаланган ОНЗДР рўйхатидан фойдаландилар (1-жадвал). Иштирокчилар долзарб зооноз касалликларининг якуний рўйхати бўйича бир тўхтама келгач, улар долзарб зооноз касалликларига қарши курашиш бўйича кейинги қадамлар ва ҳаракатлар режаларини ишлаб чиқдилар.

Зооноз касалликларни рейтинг асосида тартиблаш учун танланган мезонлар

Ўзбекистонда овоз берувчилар томонидан танлаб олинган зооноз касалликлар рейтинги мезонлари қуйида муҳимлик тартибида келтирилган (“С” иловаси).

1. Касалликнинг оғирлик даражаси

Рейтингда биринчи даражали мезон касалликнинг оғирлик даражаси бўлди. Хайвонларда ҳам, одамларда ҳам умумий популяцияда 1 фоиздан юқори ёки унга тенг бўлган ўлим коэффиценти (ЎК) бўлган касалликлар энг юқори 3 баллни олди. Фақат одамларда умумий аҳоли ўртасида ўлим коэффиценти 1 фоиздан юқори ёки унга тенг бўлган касалликлар 2 балл олди. Фақат хайвонларнинг умумий популяцияси ўртасида ўлим коэффиценти 1 фоиздан юқори ёки унга тенг бўлган касалликлар 1 балл олди. Одамларда ҳам, хайвонларда ҳам умумий популяцияда ўлим коэффиценти 1 фоиздан юқори ёки унга тенг бўлмаган касалликлар 0 балл олди.

Агар хайвон касаллик туфайли сўйилган бўлса, бу ўлимга олиб келадиган касаллик деб ҳисобланмади.

2. Эпидемик/пандемик потенциал

Рейтингда иккинчи ўлчанган мезон касалликнинг эпидемия ёки пандемияга олиб келиши эҳтимоли бўлди. Ўзбекистонда сўнгги 10 йилда одамларда ҳам, хайвонларда ҳам учраган касалликлар 3 балл олди. Ўзбекистонда сўнгги 10 йилда фақат одамларда учраган касалликлар 2 балл

олди. Ўзбекистонда сўнгги 10 йилда фақат хайвонларда учраган касалликлар 1 балл олди. Ўзбекистонда сўнгги 10 йилда одамларда ҳам, хайвонларда ҳам учрамаган касалликлар 0 балл олди.

3. Эпидемиологик кузатув

Учинчи ўринда ўлчанган мезон эпидемиологик кузатувнинг турли шаклларига эга бўлиш қобилияти бўлди. Эпидемиологик кузатув лаборатория диагностикаси, профилактика чоралари (вакцина мавжудлиги, даволаш, дезинфекция (тозалаш, йўқ қилиш/сўйиш ёки карантин)) ва одамлар ёки хайвонларнинг касалликлари тўғрисида идоралараро хабарномалар деб номланди. Одамларда ёки хайвонларда ҳар уччала компонент (лаборатория диагностикаси, профилактика чоралари ва идоралараро билдиришномалар) мавжуд бўлган касалликлар 3 балл олди. Одамларда ёки хайвонларда учта компонентдан ҳар қандай иккитаси мавжуд бўлган касалликлар 2 балл олди. Одамларда ёки хайвонларда учта компонентдан ҳар қандай бири мавжуд бўлган касалликлар 1 балл олди. Одамларда ёки хайвонларда учта компонентдан бирортаси мавжуд бўлмаган касалликлар 0 балл олди.

4. Иқтисодий, экологик ва ижтимоий оқибатлар

Тўртинчи ўринда ўлчанган мезон иқтисодий, экологик ва ижтимоий оқибатлар бўлди. Одамлар ва ҳайвонлар учун карантинга олиб келадиган касалликлар энг юқори 3 балл олди. Фақат ҳайвонлар учун карантинга олиб келадиган касалликлар 2 балл олди. Фақат одамлар учун карантинга олиб келадиган касалликлар 1 балл олди. Одамлар ёки ҳайвонлар учун карантинга олиб келмайдиган касалликлар 0 балл олди.

Ўзбекистон вазирликлари мутасаддилари ушбу савол учун Ўзбекистондаги карантин ва ўта хавфли юқумли касалликлар рўйхатидан фойдаландилар.

5. Биотерроризм

Бешинчи ўриндаги мезонлар касалликнинг биотерроризм агенти сифатида қўлланилиш эҳтимоли бўлди. Биотерроризм агенти сифатида ишлатилиши эҳтимоли бўлган касалликлар энг юқори 1 баллни олди. Биотерроризм агенти сифатида фойдаланиш эҳтимоли бўлмаган касалликлар 0 балл олди.

Ўзбекистон вазирликлари мутасаддилари ушбу савол учун мамлакатга ҳос ўта хавфли юқумли патогенлар рўйхатидан фойдаландилар.

РЕЖАЛАР ВА ТАВСИЯЛАР

Умумий тавсиялар

Семинар иштирокчилари долзарб зооноз касалликлар рўйхатини яқунлагач, долзарб зооноз касалликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар ва келгусидаги чора-тадбирларни муҳокама қилдилар. Бу 2 босқичли жараёнда амалга оширилди. Бошлаш учун иштирокчиларга ўзларининг тегишли муассасаларининг чекловларини ҳисобга олмасдан, долзарб касалликларни даволашга қандай ёндашиш бўйича умумий тавсиялар бериш сўралди. Мавзу бўйича энг эътиборга лойиқ тавсияларнинг қисқача мазмуни:

• Ягона саломатлик дастурини мувофиқлаштириш механизмлари (раҳбарлик, техник даража)

Ягона саломатлик дастури ҳозирда Вазирлар Маҳкамаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилмоқда. Қуйида Ягона саломатлик дастури доирасида миллий даражада ҳамкорликни кучайтириш бўйича тавсиялар келтирилган:

- Барча тегишли вазирликлар ўртасида Ягона саломатлик дастури стратегик режасини яқунлаш
- Ҳар чоракда кўп тармоқли Ягона саломатлик дастури учрашувларини ўтказишни мақсад қилиш
 - Учрашувлар ҳам раҳбарият даражасида, ҳам техник даражада бўлиши керак
 - Муайян долзарб зооноз касалликларга қаратилган секторлар бўйлаб техник даражадаги учрашувлар ўтказиш имконларини ўрганиш мумкин
- Ҳар бир вазирликдан раҳбарият даражасида вазирлик бўйича мувофиқлаштириш ва алоқа ҳодими сифатида ягона саломатлик дастури бўйича алоқадор шахсни белгилаш.
- Долзарб зооноз касалликларни бартараф қилиш учун манфаатдор томонлар ўртасидаги ҳамкорликни давом эттириш
- Келажакда кўп тармоқли, ягона саломатлик дастури доирасидаги тадбирларга қўшиладиган қўшимча вазирликларни белгилаш

- **Кузатув (назорат)**

- Долзарб зооноз касалликлар бўйича миллий кузатув (назорат)ни такомиллаштириш ва баҳолашни давом эттириш
- Секторлар бўйлаб долзарб зооноз касалликлар бўйича маълумотлар алмашинувини ошириш
- Эпидемиологик текширувларни такомиллаштириш учун чорва молларининг ҳаракатини мониторинг қилиш бўйича кузатув ишларини кучайтириш
- Ёввойи табиат касалликларини, шу жумладан ҳалокатли ҳодисаларни назорат қилиш учун ресурслар ва секторга хос вазифа ва масъулиятни аниқлаш.
- Зооноз сил касаллиги (*Mycobacterium bovis*) бўйича секторлар бўйлаб кузатувни ўрнатиш

- **Лабораториялар имкониятлари**

- Долзарб зооноз касалликларни ташхислаш учун лаборатория имкониятларини яхшилаш
- Долзарб зооноз касалликлар учун лаборатория диагностикасини кенгайтириш учун зарур бўлган ресурсларни аниқлаш
- Долзарб зооноз касалликлар бўйича минтақавий лабораториялар салоҳиятини кучайтириш
- Секторлар бўйлаб долзарб зооноз касалликлар бўйича маълумотлар алмашинувини давом эттириш

- **Тайёрлик ва эпидемияга қарши чоралар**

- Вилоят ва туманлар даражасида ветеринария профилактикаси хизматларидан, жумладан, эмлаш, вектор назорати, биохавфсизлик чоралари ва бошқалардан фойдаланиш имкониятларини яхшилаш
- Зооноз касалликлар хавфини камайтириш учун атроф-муҳитда кана тарқалишига қарши назоратни орттириш
- Зооноз касалликлар хавфини камайтириш учун чорва моллари орасида кана тарқалишига қарши назоратни ошириш
- Экологик чораларни ўз ичига олган ҳолда, ҚКГИ эпидемияси сабабларини текширишнинг жорий фавқулодда бошқарувини кучайтириш
- Қутуришнинг олдини олиш ва уни назорат қилиш учун ёввойи ва қаровсиз итларни эмлаш кампаниялари режаларини муҳокама қилиш
- Ягона саломатлик дастурида иштирок этувчи барча секторларда ҳимоя воситалари билан таъминлаш ва улардан биргаликда фойдаланиш механизмини яратиш
- Долзарб зооноз касалликларга қарши тайёргарликни ошириш
- Секторлар учун долзарб зооноз касалликлар бўйича биргаликда тадқиқотлар ўтказиш имкониятларини ўрганиш
- Бруцеллёзни бартараф этиш бўйича миллий режани амалга ошириш

- **Меҳнат ресурслари**

- Зооноз касалликларнинг олдини олиш ва уларни назорат қилиш учун вилоят ва туманлар даражасида ветеринария ходимларининг мавжудлигини ошириш.
- Секторлар бўйлаб Ягона саломатлик дастури доирасида ҳамкорликдаги ўқув курсларини ўтказиш
- Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси таркибида ёввойи табиат ветеринария ходимларини ташкил этиш ва мустаҳкамлаш.

- **Таълим ва тарғибот-ташвиқот**

- Долзарб зооноз касалликларнинг юқиши бўйича ўқув материалларини кўпайтириш
- Ҳайвонлар билан контактда бўлишдан келиб чиқадиган зооноз касалликлар хавфи ҳақида кенг жамоатчилик билан коммуникацияни яхшилаш
- Долзарб зооноз касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш бўйича аҳолининг хабардорлигини ошириш
- Эхинококкоз бўйича итлар билан боғлиқ тарғибот-ташвиқот ишларини қутуришнинг олдини олиш ҳаракатлари билан уйғунлаштириш

- **Тадқиқотлар**

- Мамлакатда долзарб зооноз касалликларнинг тарқалиши ёки хавфи бўйича тадқиқотлар ўтказиш
- Микробларга қарши чидамликни орттириш механизмлари ва долзарб зооноз касалликларнинг олдини олиш ҳақида кўпроқ тушунчага эга бўлиш

- **Молиялаштириш**

- Долзарб зооноз касалликлар бўйича фаолиятни қўллаб-қувватлаш учун молиялаштириш эҳтиёжларини аниқлаш
- Долзарб зооноз касалликларга қарши ҳимоя воситалари ва назорат воситаларини молиялаштириш эҳтиёжларини аниқлаш
- Катта йўқотиш ёки ўлдиришга олиб келадиган эпидемия шароитида чорва эгаларига компенсация тўлаш имкониятларини ўрганиш
- Ёввойи ва қаровсиз ҳайвонларни қутуришга қарши эмлаш учун мавжуд ресурсларни аниқлаш



Фото 6. Қизилкум чўлидаги ўрмон қароргоҳи олдидаги туялар.

Кейинги махсус қадамлар

Ниҳоят, қарорлар қабул қилиш жараёнига жалб қилинган ҳар бир вазирлик ва жараённи кузатган ҳамкорлик қилувчи идораларга вазирликлар лаборатория салоҳиятини кўп тармоқли ривожлантириш, кузатув, эпидемияга қарши биргаликдаги тадбирларни такомиллаштириш, ҳамда профилактика ва қарши кураш стратегиялари бўйича амалга ошириши мумкин бўлган аниқ кейинги қадамлар бўйича таклифлар киритиш имконияти берилди. Ҳар бир сектор томонидан тавсия этилган кейинги қадамларнинг қисқача мазмуни қуйидагича:

• Соғлиқни сақлаш вазирлиги

- Ягона саломатлик дастури доирасида чораклик идоралараро учрашувларни мувофиқлаштириш ва барча иштирок этувчи тармоқлардан раҳбар ва техник ходимларнинг вакиллигини таъминлаш
- Бошқа тармоқлар билан ҳамкорликда долзарб зоонозлар бўйича ўқув материалларини ишлаб чиқиш ва кенгайтириш
- Етакчилар даражасида Ягона саломатлик дастури бўйича мувофиқлаштириш ва алоқа шахсини белгилаш
- Мавжуд кузатув тизимлари ёки бошқа тармоқлардаги лаборатория диагностикаси маълумотларидан фойдаланган ҳолда ҚКГИ учун кузатув тизимларини мустаҳкамлаш
- Ягона саломатлик дастури ташкилий тизим ва стратегик режасини яқунлашда иштирок этишни давом эттириш



Фото 7. Марказий Осиё — ўз оиласини боқиш учун от соғайтган аёл.

• Давлат ветеринария қўмитаси

- Етакчилар даражасида Ягона саломатлик дастури бўйича мувофиқлаштириш ва алоқа шахсини белгилаш
- Бошқа тармоқлар билан ҳамкорликда долзарб зоонозлар бўйича ўқув материалларини ишлаб чиқиш ва кенгайтириш
 - Қутуриш касаллигига оид мавжуд ўқув материалларидан эхинококкоз каби бошқа долзарб зоонозлар бўйича тарғибот-ташвиқот ишларида намуна сифатида фойдаланиш
- Долзарб зоонозлар мавзуларида тарғибот-ташвиқот тадбирларини ўтказиш
- Зооноз касалликлар хавфини камайтириш учун чорва моллари орасида кана тарқалишига қарши назоратни ошириш
- Вилоят ва туманлар миқёсида аҳолининг ветеринария-профилактика хизматларидан фойдаланиш имкониятларини яхшилаш

